

---

## ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН...

**Бугун туман ҳокимлигининг мажлислар залида “1 октябрь ўқитувчи ва мураббийлар куни”га бағишланган маросими бўлиб ўтди. Унда тумандаги таълим муассасаларида меҳнат қилаётган фидойи ўқитувчилар, мактабгача таълим ташкилотлари ходимлар иштирок этишди.**

Кўз нури, қалб қўри, бутун борлиғини ёш авлод тарбиясига бахш этадиган ўқитувчи ва мураббийлар меҳнати, жасорати ҳар қандай юксак баҳоларга муносибдир.

Дунё мамлакатлари қатори юртимиз ҳам коронавирус пандемияси боис бошидан кечираётган синовли кунларда устоз мураббийлар зиммасига икки қарра кўп маъсулият юкланди. Масофадан бўлса-да фаразандларимизга таълим беришдек мураккаб вазиятда ҳам алоҳида ўрнатилган кўрсаткичларга эътибор кўрсатилди.

Риштон тумани ҳокимлигида ўқитувчи ва мураббийлар тақдирландилар.

Туман ҳокими Суфҳонжон Солиев устозларга маъсулиятли касбларида омад тилаб, “Сизлар олдингизда бош эгамиз, сиз эртангиз эгалари бўлмиш ёш авлоднинг келажаги яратувчиларсиз” дея қайд этди.

Тадбир давомида туман ҳокими устоз ва мураббийларни машаққатли касби йўлидаги фаолияти, изланишларини яна бир бор эътироф этиб, келгусидаги ишларига улкан зафарлар тилаб, “Ташаккурнома” ва эсдалик совғалари билан тақдирлади.

Тадбирда шунингдек, илғор ўқитувчилар таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмалари туман кенгашининг қимматбаҳо совғалари билан ҳам тақдирланишди.

2020-10-03 14:51:50